тенофовира дизопроксил фумарат;

эмтрицитабин;

клевудин;

безифовир;

тенофовира алафенамида фумарат;

AGX-1009;

элвүцитабин;

лагоцикловира валактат;

прадефовира мезилат;

валторцитабин; и

любой нуклеозидный/нуклеотидный аналог, который ингибирует полимеразу HBV.

(13) В

(21) IAP 2017 0022

(22) 29.06.2015

(51) A61K 45/06 (2006.01), A61K 9/20 (2006.01), A61K 9/24 (2006.01), A61K 31/192 (2006.01), A61K 31/704 (2006.01), A61P 29/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 2014/07604, 30.06.2014, TR

(71) САНОВЕЛЬ ИЛАЧ САНАЙИ ВЕ ТИДЖАРЕТ А.Ш., TR

(72) ДЖИФТЕР, Умит, ТЮРКИЛЬМАЗ, Али, ЭРДЕМ, Ельда, АТАМАН, Севал, ИЛЬДЕС ЭРДЕМ, Айсе, РАМАЗАНОГЛУ, Гае, TR

(85) 18.01.2017

(86) 29.06.2015, PCT/EP2015/064690

(87) 07.01.2016, WO 2016/001133

(54) Гамма-аминомойли кислота рецепторларининг локсопрофени ва агонисти комбинациялари

Комбинации локсопрофена и агониста рецепторов гамма-аминомасляной кислоты

(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт, фармацевтика, терапевтик мақсадлар учун дорилар ва медикаментлар, айнан эса, локсопрофен ва тиоколхикозид комбинациясини сақловчи янги фармацевтик композициялар ёки дори шакллари. **Вазифаси:** арзон даволаш усулларини такомиллаштириш ва комбинацияларнинг синергетик таъсири имкониятлари натижасида терапевтик яхшиланишини таъминловчи, хавфсизлик ва самарадорлиги нуқтаи назаридан битта маҳсулотдан фойдаланилгандан кўра кўпроқ мос келувчи битта ёки ундан кўпроқ турли оғриқ қолдирувчи ва миорелаксант дори воситаларидан иборат бўлган фармацевтик композицияни қўллаш имкониятини берувчи усулни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** локсопрофен ёки унинг фармацевтик мақбул тузини гамма-аминомойли кислота рецепторлари агонисти ёки унинг фармацевтик мақбул тузи билан комбинациялашган ҳолда сақловчи, яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи ва миорелаксацияловчи фаолликка эга янги фармацевтик композиция таклиф этилган бўлиб, уни преораль, парентераль, мушак остига юбориш орқали ва иккиқаватли таблеткалар, кўпқаватли таблеткалар, капсула, инъекциялар учун препарат, суспензия, сироп, саше, малҳам, суртма ёки гель кўринишида маҳаллий қўллаш мумкин.

Использование: медицина, фармацевтика, лекарства и медикаменты для терапевтических целей, а именно новые фармацевтические композиции или лекарственные формы, содержащие комбинацию локсопрофена и тиоколхикозид. **Задача:** разработка способа дающее возможность введения фармацевтической композиции, содержащей одно или более разных болеутоляющих и миорелаксантных лекарственных средств, более подходящих с точки зрения безопасности или эффективности, чем введение одного продукта, обеспечивающие значительное усовершенствование доступных способов лечения и терапевтические улучшения вследствие потенциального синергетического действия комбинацией. **Сущность изобретения:** предложена новая фармацевтическая композиция, содержащая локсопрофен или его фармацевтически приемлемую соль в комбинации с

агонистом рецепторов гамма-аминомасляной кислоты или его фармацевтически приемлемой солью, с противовоспалительной, болеутоляющей и миорелаксирующей активностью, которую вводят перорально, парентерально, внутримышечно и местно в форме таблетки, двухслойной таблетки, многослойной таблетки, капсулы, препарата для инъекций, суспензии, сиропа, саше, мази, крема или геля.

(13) В

(21) IAP 2017 0029

(22) 18.06.2015

(51) A61K 47/48 (2006.01), A61P 3/00 (2006.01), C07K 14/475 (2006.01)

(31)(32)(33) 62/015,862, 23.06.2014, US

(31)(32)(33) 62/082,327, 20.11.2014, US

(31)(32)(33) 62/107,016, 23.01.2015, US

(71) НОВАРТИС АГ, СН

(72) БАРИС, Дэвид Венигер, ЯМАДА, Кен, ИБЕБУНДЖО, Чиквенду, ДУТТАРОЙ, Алокеш, КИРМАН, Луиз Клэр, БРЮС, Александра Маршалл, ЮЗЕРА, Эйми Ричардсон, ЗЕКРИ, Фредерик, ЮАНЬ, Цзюнь, ЛОУ, Чанган, КАНТЕР, Аарон, БОУЗ, Авируп, US

(85) 20.01.2017


(86) 18.06.2015. PCT/US2015/036328

(87) 30.12.2015, WO 2015/200078

(54) Ёғ кислоталари ва уларнинг биомолекулалар билан конъюгациялаш учун қўлланилиши

Жирные кислоты и их применение для конъюгации с биомолекулами


(57) Фойдаланиш соҳаси: тиббиёт ва фармацевтика. **Вазифаси:** ёғ кислоталарининг муқобил конъюгатлари – пептидлар билан таъминланиши. **Ихтиро моҳияти:** конъюгат ёғ кислотаси билан линкер орқали боғланган биомолекулани ўз таркибига олган, бу ўринда ёғ кислотаси куйида келтирилган А1, А2 ёки А3 формулаларига эга:



ёки унинг амиди, мураккаб эфири ёки фармацевтик мақбул тузини сақлайди. Ихтиро янгиланган яримҳаёт вақти ва таъсир давомийлигига эга биомолекулаларнинг янги конъюгати, уларни олиш ва қўллаш усулларини таъминлайди. Ихтиро, шунингдек, метаболит бузилишлар ёки касалликларни, 2 тип қанд диабет, семизлик, стеатогепатит/жигарни ноалкоколь ёғ босиши ва алкоголь ёғ босиши ҳамда

жигарнинг бошқа прогрессив касалликлари, панкреатит, дислипидемия, инсулинрезистентлик, гиперинсулинемия, глюкозанга чидамсизлик, гипергликемия, метаболик синдром, гипертензия, юрак-қон томир тизими касалликлари, атеросклероз, периферик артериялар касалликлари, инсульт, юрак етишмовчилиги, юрак ишемик касаллиги, қандли диабет асоратлари (шу жумладан, лекин булар билан чекланмаган ҳолда сурункали буйрак касалликлари), невропатия, гастропарез ва бошқа метоболик бузилишларни даволашда фаол ингредиент сифатида фойдали бўлган GDF15 конъюгатини ўз ичига олувчи дори воситасини ҳам таъминлайди.

Использование: медицина и фармацевтика. **Задача:** обеспечение альтернативных конъюгатов жирных кислот - пептидов. **Сущность изобретения:** конъюгат, включающий биомолекулу, связанную с жирной кислотой через линкер, где жирная кислота имеет следующую формулу A1, A2 или A3:



или его амид, сложный эфир или фармацевтически приемлемая соль. Изобретение обеспечивает новые конъюгаты биомолекул, которые имеют улучшенное время полужизни и продолжительность действия, способ их получения и их применение. Изобретение также обеспечивает лекарственное средство, включающее конъюгат GDF15 в качестве активного ингредиента, полезное при лечении метаболических расстройств или заболеваний, сахарного диабета 2 типа, ожирения, алкогольного и неалкогольной жировой болезни печени/стеатогепатита и других прогрессирующих заболеваний печени, панкреатита, дислипидемии, инсулинорезистентности, гиперинсулинемии, непереносимости глюкозы, гипергликемии, метаболического синдрома, гипертензии, сердечно – сосудистого заболевания, атеросклероза, заболевания периферических артерий, инсульта, сердечной недостаточности, ишемической болезни сердца, диабетических осложнений (включая, но не ограничиваясь этим, хронического почечного заболевания), невропатии, гастропареза и других метаболических расстройств.

(13) В

(21) IAP 2017 0001

(22) 03.01.2017

(51) A61K 7/16

(71)(72) Ибрагимов Юсуфжон Жураевич, UZ

(54) Даволаш-профилактика тиш пастаси
Лечебно-профилактическая зубная паста

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** парфюмерия саноати, стоматология, айнан эса – оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари, айниқса, тиш юзасидаги юмшоқ ва қаттиқ ажратмаларни профилактика қилиш, яллиғланиш билан боғлиқ касалликларни камайтириш, милқлар қонашини камайтириш, сўлак ажралишини стимулляциялаш, тил ва оғиз бўшлиғи аъзоларининг функциональ аҳволини яхшилаш мақсадида даволовчи-профилактик хусусиятга эга тиш пастасини ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин. **Вазифаси:** маҳаллий арзон хом-ашё асосида даволовчи-профилактик тиш пастаси таркибини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** даволовчи-профилактик тиш пастаси таркибига кимёвий чўктирилган бўр, глицерин, натрий карбоксиметилцеллюлоза, ичимлик суви, натрийлаурилсульфат, парфюмерия мойи, сахарин, ис берувчи (отдушка) қиради. Шу билан бирга унинг таркибига қўшимча равишда ёнғоқ пўстлоғи шарбати ҳам мавжуд бўлиб, бунда компонентларнинг масс.% нисбати қуйидагичадир: кимёвий чўктирилган бўр - 43,35; глицерин — 12; натрий карбоксиметилцеллюлоза - 1,2; натрийлаурилсульфат - 1; парфюмерия мойи - 1,0; сахарин - 0,12; ёқимли ис берувчи (отдушка) - 1,0; ёнғоқ пўстлоғи шарбати - 1-40; ичимлик суви – қолгани.

Использование: в парфюмерной промышленности, стоматологии, а именно - средства гигиены полости рта, и может применяться в производстве лечебно-профилактической зубной пасты в целях профилактики образования мягких и твердых зубных отложений, уменьшения воспалительных заболеваний, уменьшения кровоточивости десен, для стимуляции слюноотделения, улучшение функционального состояния органов полости рта и языка. **Задача:** разработка состава зубной пасты с лечебно-профилактическим эффектом на основе местного доступного сырья. **Сущность изобретения:** лечебно-профилактическая зубная паста, содержит химически осажденный мел, глицерин, натрий карбоксиметилцеллюлозу, воду питьевую, натрийлаурилсульфат, масло парфюмерное, саха-

рин, отдушку. При этом она дополнительно содержит сок кожуры грецкого ореха в следующем соотношении компонентов, масс. %: химически осажденный мел - 43,35; глицерин — 12; натрий карбоксиметилцеллюлозу-1,2; натрийлаурилсульфат-1; масло парфюмерное - 1,0; сахарин - 0,12; отдушку - 1,0; сок кожуры грецкого ореха - 1-40; воду питьевую – остальное.

(13) В

(21) IAP 2017 0027

(22) 22.06.2015

(51) A61K 9/20 (2006.01), A61K 31/439 (2006.01), A61K 31/7056 (2006.01), A61P 31/14 (2006.01)

(31)(32)(33) 2014/07272, 23.06.2014, TR

(31)(32)(33) 2014/07287, 24.06.2014, TR

(31)(32)(33) 2014/07592, 30.06.2014, TR

(71) САНОВЕЛЬ ИЛАЧ САНАЙИ ВЕ ТИДЖАРЕТ А.Ш., TR

(72) ДЖИФТЕР, Умит, ТЮРКИЛЬМАЗ, Али, ЭРДЕМ, Ельда, УДЖАР, Эзги, ГЁКДЖЕК, Севги, TR

(85) 20.01.2017

(86) 22.06.2015, РСТ/ЕР2015/063963

(87) 30.12.2015, ВО 2015/197549

(54) Софосбувир ва рибавирин асосидаги янги фармацевтик композиция

Новая фармацевтическая композиция на основе софосбувира и рибавирина

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт, фармацевтика, терапевтик мақсадларда қўлланиладиган дорилар ва медикаментлар, айнан эса фаол воситалар сифатида камида битта фармацевтик макбул ёрдамчи моддага эга бўлган софосбувир ва рибавиринни ўз таркибига олган, айни вақтда бу икки фаол воситадан камида биттаси ажралиб чиқиши назоратга олинган кўринишда бўлган янги фармацевтик композициялар. *Вазифаси:* фармацевтик композициялар соҳасида синергетик таъсирга эга, С гепатити вируслари-га қарши терапевтик самараларга эга бўлган, инфекцияларга қарши яхшиланган терапевтик самараларга эга бўлган ва плазмада концентрация кўрсаткичи барқарорлигини ушлаб туришга софосбувир ва рибавириннинг қон оқимида доза белгиланишини кунига бир марта ёки кунига икки марта белгилаш учун етарли даражада янада узоқроқ вақт давомида ажралиши ёрдамида эришилишини таъминловчи ва шу тарика белгиланган терапевтик тавсияларнинг бемор томонидан лозим даражада бажарилишини яхшилайдиган; шунингдек, композиция ўзагидан ёки фаол моддаларнинг композиция қопла-

масидан ёхуд ҳар иккаласидан ажралиб чиқишини модификациялаш; ва етарли даражада мос келиши билан характерланувчи комбинация кўринишидаги фармацевтик таркибни таъминлаб берувчи янги маҳсулотни ишлаб чиқиш. *Ихтиро моҳияти:* С гепатити вируси, сурнкали С гепатити вируси чақирган инфекцияларни, гепатоцеллюляр карцинома ёки жигар трансплантациясини кутаётган, якуний босқичдаги жигар хасталигига учраган беморларни даволашда қўллаш учун камида битта фармацевтик макбул ёрдамчи моддага эга бўлган софосбувир ва рибавиринни ўз таркибига олган, айни вақтда бу икки фаол воситадан камида биттаси ажралиб чиқиши назоратга олинган кўринишда бўлган янги фармацевтик композиция.

Использование: медицина, фармацевтика, лекарства и медикаменты для терапевтических целей, а именно новые фармацевтические композиции, содержащие софосбувир и рибавирин в качестве активных средств, по меньшей мере, с одним фармацевтически приемлемым вспомогательным веществом, при этом по меньшей мере одно из активных средств находится в форме с контролируемым высвобождением. *Задача:* разработка нового продукта в области фармацевтических композиций с синергетическим действием, обладающего терапевтическими эффектами против вирусных инфекций гепатита С, обладающего улучшенными терапевтическими эффектами против инфекций, и обеспечивающего фармацевтический состав, делающий уровень концентрации в плазме стабильным с помощью поддержания высвобождения софосбувира и рибавирина в потоке крови в течение более длительного периода времени, достаточного для обоснования дозирования один раз в день или два раза в день, и таким образом улучшающего надлежащее выполнение пациентом терапевтических рекомендаций; а также модификация высвобождения активных веществ из сердцевины композиции или покрытия композиции, или обоих; и разработка композиции в виде комбинации, характеризующейся необходимым уровнем совместимости. *Сущность изобретения:* новая фармацевтическая композиция содержит софосбувир и рибавирин в качестве активных средств по меньшей мере с одним фармацевтически приемлемым вспомогательным веществом, где по меньшей мере одно из активных средств находится в форме с контролируемым высвобождением, для применения в лечении инфекций,

вызванных вирусом гепатита С, хронического гепатита С, гепатоцеллюлярной карциномы или пациентов с заболеванием печени на конечной стадии, ожидающих трансплантацию печени.

(13) В

(21) IAP 2017 0026

(22) 22.06.2015

(51) A61K 9/28 (2006.01), A61K 31/439 (2006.01), A61K 31/7056 (2006.01), A61P 31/14 (2006.01)

(31)(32)(33)2014/07272, 23.06.2014, TR

(31)(32)(33) 2014/07287, 24.06.2014, TR

(71) САНОВЕЛЬ ИЛАЧ САНАЙИ БЕ ТИДЖАРЕТ А.Ш., TR

(72) ДЖИФТЕР, Умит, ТЮРКИЛЬМАЗ, Али, ЭРДЕМ, Ельда, УДЖАР, Эзги, ГЁКДЖЕК, Севги, TR

(85) 20.01.2017

(86) 22.06.2015, PCT/EP 2015/063943

(87) 30.12.2015, WO 2015/197535

(54) Софосбувир ва рибавирин асосида бўшатилиши модификация қилинган фармацевтик композициялар

Фармацевтические композиции на основе софосбувира и рибавиринна с модифицированным высвобождением

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт, фармацевтика, терапевтик мақсадларда қўлланиладиган дорилар ва медикаментлар, айнан эса софосбувир ва рибавиринни, шунингдек, камида битта фармацевтик мақбул ёрдамчи моддага эга бўлган, ажралиб чиқиши модификацияланган янги фармацевтик композициялар. *Вазифаси:* фармацевтик композициялар соҳасида инфекцияларга қарши яхшиланган терапевтик самарага эга ва плазмада концентрация кўрсаткичи барқарорлигини ушлаб туришга софосбувир ва рибавириннинг қон оқимида доза белгиланишини кунига бир марта ёки кунига икки марта белгилаш учун етарли даражада янада узокрок вақт давомида ажралиши ёрдамида эришилишини таъминловчи ва шу тариқа белгиланган терапевтик тавсияларнинг бемор томонидан лозим даражада бажарилишини яхшилайдиган, шунингдек, композиция ўзагидан ёки фаол моддаларнинг композиция қопламасидан ёхуд ҳар иккаласидан ажралиб чиқишини модификациялаш; вирусли инфекцияларни даволашда қўллаш учун синергетик таъсирга эга композицияни олиш; ва етарли даражада мос келиши билан характерланувчи комбинация кўринишидаги фармацевтик таркибни таъминлаб берувчи янги маҳсулотни яратиш. *Ихтиро моҳияти:* ажралиб чиқиши модификацияланган, таркибида со-

фосбувир ва рибавиринни, шунингдек, камида битта фармацевтик мақбул ёрдамчи восита сақловчи, С гепатити вируси, С (СНС) сурункали гепатити вируси чақирган инфекцияларни, гепатоцеллюляр карцинома ёки жигар трансплантациясини кутаётган термаль босқичдаги жигар хасталигига учраган беморларни даволашда қўллаш учун янги фармацевтик композиция таклиф этилмоқда. Мазкур хужжатда назарда тутилган таркибларни терапияга эҳтиёжи бўлган ҳар қандай субъектга нисбатан, шу жумладан, чекланмаган тарзда инсонлар ва жониворларда қўллаш мумкин. Фармацевтик комбинацияларни перораль, парентераль, интраназаль, сублингваль, тери орқали, трансмукозаль, кўз орқали, вена ичига, ўпка орқали, мушак ичига ёки ректаль киритиш ва асосан, таблетка ёки капсула, ёки кўпқаватли таблетка кўринишида, асосан перораль тарзда қабул қилиш мумкин.

Использование: медицина, фармацевтика, лекарства и медикаменты для терапевтических целей, а именно новые фармацевтические композиции с модифицированным высвобождением, содержащие софосбувир и рибавирин, а также по меньшей мере одно фармацевтически приемлемое вспомогательное вещество. *Задача:* разработка нового продукта в области фармацевтических композиций, обладающего улучшенными терапевтическими эффектами против инфекций и обеспечивающего фармацевтический состав, делающей уровень концентрации в плазме стабильным с помощью поддержания высвобождения софосбувира и рибавиринна в потоке крови в течение более длительного периода времени, достаточного для обоснования дозирования один раз в день или два раза в день, и таким образом улучшающего надлежащее выполнение пациентом терапевтических рекомендаций; а также модификация высвобождения активных веществ из сердцевины композиции или покрытия композиции, или обоих; и получение композиции с синергетическим действием для применения в лечении вирусных инфекций; и разработка композиции в виде комбинации, характеризующейся необходимым уровнем совместимости. *Сущность изобретения:* предложена новая фармацевтическая композиция с модифицированным высвобождением, содержащая софосбувир и рибавирин, а также по меньшей мере одно фармацевтически приемлемое вспомогательное вещество, для применения в лечении инфекций, вызванных вирусом гепатита С, хронического гепатита С (СНС), гепатоцеллюлярной карцино-

мы или пациентов с заболеванием печени на терминальной стадии, ожидающих трансплантацию печени. Составы, предусмотренные в данном документе, можно применять в отношении любого нуждающегося в терапии субъекта, в том числе без ограничения людей или животных. Фармацевтические комбинации вводят путем перорального, парентерального, интраназального, сублингвального, чрезкожного, трансмукозального, глазного, внутривенного, легочного, внутримышечного или ректального введения, и предпочтительно путем перорального введения, предпочтительно в форме таблетки, или капсулы, или многослойной таблетки.

A 62

(13) В

- (21) IAP 2017 0032 (22) 22.06.2015
 (51) A62C 13/66 (2006.01), A62C 13/74 (2006.01)
 (31)(32)(33) 14/313,761, 24.06.2014, US
 (31)(32)(33) 14/704,820, 05.05.2015, US
 (71) РУСО, ИНК., US
 (72) РУССО, Рэнди, РУССО, Гектор, БЭР-РОУЗ, Райан, Эйч, СЭЙМУР, Джастин, С., US
 (85) 23.01.2017
 (86) 22.06.2015, PCT/US2015/0368
 (87) 30.12.2015, WO 2015/200174
 (54) **Ички аралаштирилувчи ва газли картриджли ёнгинга қарши ўт ўчиргич**
Огнетушитель с внутренним перемешиванием и газовым картриджем

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ёнгинни ўчиришда, аланга ўчоқларини ўчиришда, айнан эса алмашадиган газли картриджли ўт ўчиргич. **Вазифаси:** қўллашда содда бўлган ва автоматик равишда ва/ёки эгаси ёки якуний фойдаланувчининг қўл ҳаракати билан ҳаракатга келтириладиган, текширув ва техник хизмат кўрсатиш салоҳиятини текшириш жараёнини минимал кўникмага эга бўлган персонал томонидан махсус асбоб-ускуналарни талаб этмаган ҳолда тез ва осон бажариш имкониятини берувчи, яхшиланган, алмашадиган газли картриджли қўл ўт ўчиргичини яратиш. **Ихтиро моҳияти:** қўл ўт ўчиргичи таклиф этилган бўлиб, у ўтти ўчирадиган материал билан тўлдирилган камерага; алмашадиган тўнтарилган газли картриджга; кўрсатилган тўнтарилган газли картриджни тешишни таъминловчи механизмга; кўрсатилган механизмнинг бурилишларини идентификацияловчи, манипуляцияларни назорат қилувчи кулфга; ихтиронинг 1-22 бандларида очиб бе-

рилганидек, кўрсатилган алмашадиган тўнтарилган газли картридж учини бузувчи ва кўрсатилган ўтти ўчирадиган материалнинг кўрсатилган камерадан чиқиш йўлини очувчи ишга тушириш механизми билан функционал бўлган санчиб тешик ҳосил қилувчи штирга эга.

Использование: в пожаротушении, при тушении очагов воспламенения, а именно создание огнетушителя со сменным газовым картриджем. **Задача:** создание улучшенного ручного огнетушителя со сменным газовым картриджем, являющегося простым в обслуживании, и приводимого в действие автоматически и/или для обслуживания вручную владельцем или конечным пользователем, позволяющее ускорить и упростить проверку и техническое обслуживание огнетушителя минимально обученным персоналом без необходимости в наличии специализированного оборудования. **Сущность изобретения:** предлагается ручной огнетушитель, содержащий камеру, заполненную огнетушащим материалом; сменный перевернутый газовый картридж; механизм, обеспечивающий прокалывание указанного перевернутого газового картриджа; замок с контролем манипуляций, идентифицирующий поворот указанного механизма; прокалывающий штырь, функционально соединенный с пусковым механизмом, который разрушает конец указанного сменного перевернутого газового картриджа, и проход для вытеснения указанного огнетушащего материала из указанной камеры, раскрытый в п. 1 – 22 формулы изобретения.

В бўлими

ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР

Раздел В

РАЗЛИЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

В01

(13) В

- (21) IAP 2017 0017 (22) 16.01.2017
 (51) B01D 39/00

(71) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, UZ
 Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, UZ
 (72) Рахимов Фархад Хушбакович, Юнусова Замира Гафаровна, Алимов Ориф Неъматович,

Касимов Отабек Рустамович, Маматова Нодира Исмаиловна, UZ

(54) Тўлдиргичли ўрилган фильтрловчи энг ва унинг олиниш усули
Вязанный рукавный фильтр с наполнителем и способ его получения

(57) Фойдаланиш соҳаси: тўқимачилик саноати, хусусан, техник қўллаш учун мўлжалланган трикотаж материалларни ишлаб чиқариш. Фильтрловчи энг сифатида халқ хўжалигининг кимё, тўқимачилик ва бошқа соҳаларида ишлатиладиган ҳаво ва саноат фильларида қўлланиши мумкин. Қайси соҳада қўлланишига қараб тўқимачилик газламаси, шунингдек, тўлдиргич тайёрланадиган хом ашёнинг тури белгиланади. **Вазифаси:** самарадорлиги юқори бўлган тўлдиргичли ўрилган фильтрловчи энгни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** тўлдиргичли ўрилган фильтрловчи энг икки қаватли тўқилиш усулидаги боғловчи қатор ва яккақаватли икки қатордан иборат бўлган тўлдиргичли катак-уялардан ташкил топган. Бунда бириккан устунларнинг ёнма-ён қаторлари халқаси, камида бир томондан, тегишли ўримни ва халқанинг мутаносиблигини шакллантириш ҳисобига ярим баландликкача силжитилган. Бундан ташқари, катак-уянинг тўлдиргич сифатида композицион чилвир ёки ҳажмли толасимон материаллар билан дисперс тўлдирилгани, уларнинг ҳиссаси кетма-кет жойлашган тизимларнинг камида иккитаси бўйича алоҳида узатилиши ҳисобига умумий юза зичлигининг 50% дан орттирилгани ҳисобига энгнинг филтраш қобилиятини оширишга эришилган.

Использование: текстильная промышленность, в частности, производство трикотажных материалов технического назначения. Может применяться как фильтрующий рукав воздушных и промышленных фильтров в химической, текстильной и других отраслях народного хозяйства. Область применения предопределяет вид сырья самого трикотажного полотна, а также наполнителя. **Задача:** создание высокоэффективного вязаного рукавного фильтра с наполнителем. **Сущность изобретения:** вязанный рукавный фильтр с наполнителем, выполнен из ячеек с наполнителем, включающий два слоя одинарного и ряда связующего двойного переплетения. При этом петли сочетающихся столбиков смежных рядов, по крайней мере, одной стороны смещены на половину высоты за счет формирования соответствующей вязки и соразмерности петли. Кроме того, повышение филь-

трующей способности рукавы достигнута улучшением расположения в ячейке дисперсно наполненного композиционного шнура или объемных волокнистых материалов в качестве наполнителя, увеличением их доли более 50% от общей поверхностной плотности путём раздельной подачи, по меньшей мере из двух поочередно расположенных систем.

(13) В

(21) IAP 2017 0037

(22) 29.06.2015

(51) B01D 53/047 (2006.01)

(31)(32)(33) 62/019018, 30.06.2014, US

(31)(32)(33) 14175647.8, 03.07.2014, EP

(71) ШЕЛЛ ИНТЕРНЭШНЛ РИСЕРЧ МААТСХАППИЙ Б.В., NL

(72) САДАСИВАН ВИДЖАЯКУМАРИ, Сивакумар, US; КОТАК, Параг, ЙОНКЕРС, Арьян, Аллерт, ШЕНК, Хуберт, Виллем, ДУНКАН, Жюли, Элен, Эмонд, ФЕСТА ПЕРЕЙРА РИБЕЙРО, Эдуардо Хорхе, NL

(85) 27.01.2017

(86) 29.06.2015, PCT/EP2015/064699

(87) 07.01.2016, WO 2016/001139

(54) Газсимон аралашмани қайта ишлаш усули
Способ переработки газообразной смеси

(57) Фойдаланиш соҳаси: кимё, хусусан, газсимон аралашмалардан метан ва водородни рекуперация қилиш. **Вазифаси:** газсимон аралашмалардан метан ва водородни рекуперация қилишнинг самарали усулини ва уни амалга ошириш тизими ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** метан, углерод диоксиди, углерод монооксиди, водород, азот, аргон ва олефинлар ҳамда таркибида кислород бўлган бирикмаларнинг қолдиқларини сақловчи газсимон аралашмадан водородни, метанни ва углерод диоксидини ихтиёрий тарзда рекуперация қилиш усули ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: газсимон аралашма ва тегишли микдордаги сув буғи юқори, ўрта ва паст ҳароратда ёки уларнинг комбинациясидаги сув газига айланттириш реакторига углерод монооксиди ва сувнинг камида бир қисмини водород ва углерод диоксидига айланттириш ва чиқиш оқимини олиш учун узатилади; сувнинг асосий қисми 1-босқичда ҳосил бўлган чиқиш оқимидан ихтиёрий тарзда чиқариб ташланади; (1) ёки (2) босқичдан олинган чиқиш оқими алюминий оксиди, молекуляр углерод элаги, силикалит, фаоллаштирилган кўмир, цеолит ёки уларнинг аралашмасини сақловчи адсорбент қатламидан иборат бўлган колонна орқали узати-

тилади; иккинчи чиқиш оқими кўрсатилган қатламнинг бошқа учидан чиқарилади; узатиш ва чиқариш токи углерод монооксиддан иборат газ фронти (1) босқичдан ва/ёки (2) босқичдан чиқарилган оқимнинг қатлам охиридан ҳисоблаганда камида қатламнинг 45 % га узунлигига етмагунича давом эттирилади; шундан кейин (1) босқичдан ва/ёки (2) босқичдан чиқарилган оқимни узатиш тўхтатилади. Рекуперация қилиш учун тизим битта ёки бир нечта сув газига айлангириш реакторларига; технологик оқим бўйича битта ёки бир нечта сув газига айлангириш реакторларидан қуйида жойлашган биринчи колоннага ва технологик оқим бўйича биринчи колоннадан қуйида жойлашган иккинчи колоннага эга бўлади.

Использование: химия, в частности, рекуперация метана и водорода из газообразных смесей. **Задача:** разработать эффективный способ рекуперации метана и водорода из газообразных смесей и систему для его осуществления. **Сущность изобретения:** разработанный способ рекуперации водорода, метана и, необязательно, диоксида углерода из газообразной смеси, содержащей метан, диоксид углерода, монооксид углерода, водород, азот, аргон и следы олефинов и кислородсодержащих соединений включает следующие стадии: газообразную смесь и соответствующее количество водяного пара подают в реактор превращения водяного газа при высокой, средней или низкой температуре или в их комбинацию, чтобы превратить по меньшей мере часть монооксида углерода и воды в водород и диоксид углерода с получением выходящего потока; основную часть воды необязательно удаляют из выходящего потока, образовавшегося на стадии 1; выходящий поток со стадии (1) или (2) подают через колонну, включающую слой адсорбента, содержащий оксид алюминия, углеродное молекулярное сито, силикалит, активированный уголь, цеолит или их смеси; второй выходящий поток выпускают с другого конца указанного слоя; подачу и выпуск продолжают до тех пор, пока фронт газа, содержащего монооксид углерода, не достигнет по меньшей мере 45% длины слоя, в расчете от конца слоя, в который поступает поток, выходящий со стадии (1) и/или стадии (2); после чего подачу потока, выходящего со стадии (1) и/или стадии (2), прекращают. Система для рекуперации содержит один или несколько реакторов превращения водяного газа; первую колонну, расположенную ниже по технологическому потоку от одного или нескольких реак-

торов превращения водяного газа и вторую колонну, расположенную ниже по технологическому потоку от первой колонны.

(13) В

(21) IAP 2017 0021

(22) 11.06.2015

(51) B01D 53/26 (2006.01)

(31)(32)(33) 61/014,862, 20.06.2014, US

(71) ДАУ ГЛОБАЛ ТЕКНОЛОДЖИЗ ЭлЭлСи, US

(72) ЛАРОШ, Кристоф Р., КЛИНКЕР, Эрик Дж., US

(85) 16.01.2017

(86) 11.06.2015, PCT/US2015/035239

(87) 23.12.2015, WO 2015/195449

(54) Газларни қуритиш учун кўп атомли спиртлар асосидаги композициялар
Композиции на основе многоатомных спиртов для осушки газов

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** нефть-газ саноати.

Вазифаси: газ оқимини, масалан, тозаланмаган ва/ёки тозаланган табиий газ оқимини сувсизлантириш ва тузсизлантириш. **Ихтиро моҳияти:** газни қуритиш учун композиция ва уни газ оқимларини қуритишда, хусусан табиий газ оқимларини қуритишда ишлатиш усули таклиф этилмоқда, усулга кўра қуритиш учун композиция битта ёки бир нечта кўпатомли спиртларни ўз таркибига олади. Кўрсатилган кўпатомли спирт ўз таркибида асосан, бирикма моляр массасининг 31 фоизидан паст бўлмаган ва 75 фоиздан юқори бўлмаган гидроксил гуруҳларга эга бўлади. Кўп атомли спиртлар асосидаги қуритиш учун кўрсатилган композициялар айникса сув ва битта ёки бир нечта тузларни сақловчи газ оқимини сувсизлантириш ва тузсизлантириш учун яроқлидир.

Использование: нефтегазовая промышленность. **Задача:** обезвоживание и обессоливание газового потока, например неочищенного и/или очищенного природного газа. **Сущность изобретения:** предлагается композиция для осушки и способ ее использования для сушки газовых потоков, в частности потоков природного газа, в котором композиция для осушки содержит один или несколько многоатомных спиртов. Указанный многоатомный спирт предпочтительно имеет содержание гидроксильных групп не ниже 31 процента и не выше 75 процентов от молярной массы соединения. Указанные композиции для осушки на основе многоатомных спиртов особенно пригодны для обез-

воживания и обессоливания газового потока, содержащего воду и одну или несколько солей.

В 03

(13) В

(21) IAP 2017 0005

(22) 06.01.2017

(51) B03D 1/00, C22B 11/00

(71) Ўзбекистон геотехнология ва рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳа-қидирув институти давлат унитар корхонаси "O`zGEO-RANGMETLITI", UZ

Государственное унитарное предприятие Узбекский научно-исследовательский и проектно-изыскательский институт геотехнологии и цветной металлургии "O`zGEORANGMETLITI", UZ

(72) Болибеков Максуд Широнович, Жураев Азизжон Эшқуватович, Юсупходжаев Анвар Абдуллаевич, Худояров Сулейман Рашидович, Самадов Алишер Усманович, UZ

(54) **Олтинни сорбцион танлаб эритишда шепида қолган смолани утилизация қилиш усули**

Способ утилизации остатков смолы в щепях сорбционного выщелачивания золота

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* олтин металлургияси, олтинни сорбцион танлаб эритишда хомаки смолани қайта тозалашдан сўнг шепида қолган смолани утилизация қилишда қўлланилиши мумкин. *Вазифаси:* шепадан смолани ва унинг парчаларини чиқариб олиш. *Ихтиро моҳияти:* тўйинган смолани шепадан тўлиқ ажратиб олиш учун ғалвирсимон барабанга пўлат трубка ёрдамида қуруқ қайноқ буг юборилади, буг ғалвирсимон барабан айланиб турганида шепидаги намликнинг деярли буткул қуришига имкон яратади, бунда шепида тугунлари очилади ва уларга ўралашиб қолган смола ғалвирсимон барабаннинг тешиклари орқали тўкилиб тушади.

Использование: металлургия золота, может применяться для утилизации остатков смолы после переработки черновой смолы в щепях сорбционного выщелачивания золота. *Задача:* извлечение смолы и её фрагментов из щепи. *Сущность изобретения:* полное выделение насыщенной смолы из щепи в барабанный грохот, предлагается при помощи стальной трубки вводить сухой горячий пар, который позволяет при вращении барабана высушить щепу почти до полного удаления влаги, при этом клубки

щепи раскрываются и смола, запутавшаяся в ней, высыпается через отверстия сит грохота.

С бўлими

КИМЁ ВА МЕТАЛЛУРГИЯ

Раздел С

ХИМИЯ И МЕТАЛЛУРГИЯ

C01

(13) В

(21) IAP 2017 0004

(22) 05.01.2017

(51) C01D 7/18

(71) Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, UZ

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова, UZ

(72) Нурмухамедов Хабибулла Сағдуллаевич, Мавланов Элбек Тулкинович, Закиров Санат Гапурович, Абдурахимова Азиза Уразалиевна, Каримов Кудрат Фуатович, Азизов Дилшод Хабибуллаевич, Темиров Одил Шукурович, Нурматов Тохир Бахтиярович, Рамбергенов Абат Кингисбаевич, UZ

(54) **Карбонизация колоннаси**
Карбонизационная колонна

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* кимё саноати, айнан эса, кальцинацияланган содани, хусусан, аммиакли усулда олиш учун аппаратлар, насадкали ва тарелкасимон массаалмаштирувчи колоннаги аппаратларда қўлланилиши мумкин. *Вазифаси:* қўшимча турбулизациялаш ва фазалараро туташуш вақтини трубкали-панжарали тарелкаларда ташқарисида спиралсимон равон ўрнатилган турбулизатор-ариқчалари ва ичида эса бўртиқлари бор, аппаратнинг ишлаб чиқариш қўламини ҳамда олинадиган маҳсулотнинг сифати ортишини, шунингдек, совутилган сув сарфини камайтиришни таъминловчи трубкалардан фойдаланиш йўли билан узайтириш ҳисобига иссиқлик- ва массаалмашинув жараёнларини интенсификациялаш. *Ихтиро моҳияти:* кальцийнацияланган сода ишлаб чиқарувчи карбонизация колоннаси туташувчи элементлари бор совутиш зонасидан иборат бўлиб, ундаги туташувчи элементлар шахматсимон кетма-кетликдаги жойлашув қадами 3l бўлган Ди диаметрли оддий силлиқ трубалар ва жойлашув қадами l бўлган d~D/2 диаметрли юзаси самарали кенгайтирилган трубалардан ташкил топган трубкали-панжарали трубалар пакетидан иборат бўлиб, улар ишлаб чиқариш қўламини ошириш, қўшимча турбулизациялаш ва

фазалараро туташиб вақтини узайтириш ҳисобига иссиқлик- ва массаалмашинув жараёнларини интенсификациялаш, иссиқлик алмашинувнинг гидравлик қаршилик устидан ўзиб борувчи ўсишини таъминлаш ва совутилган сув сарфини 1,5-2,3 бараварга камайтириш, шумингдек, иссиқлик алмашинув юзасида кристаллар чўкишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Использование: химическая промышленность, а именно аппараты для получения кальцинированной соды, в частности, аммиачным способом и может применяться в насадочных и тарельчатых массообменных колонных аппаратах. **Задача:** интенсификация тепло- и массообменных процессов за счет дополнительной турбулизации и увеличения времени межфазного контакта путем использования в трубно-решетчатых тарелках труб со спиральными плавными очерченными канавками-турбулизаторами снаружи и выступами внутри, обеспечивающие повышение производительности аппарата и качества получаемого продукта, а также снижение расхода охлаждающей воды. **Сущность изобретения:** карбонизационная колонна производства кальцинированной соды, состоящая из холодильной зоны с контактными элементами, представляющие собой пакет труб –трубчато-решетчатую насадку, включающую шахматную череду обычной гладкой трубы диаметром D шагом размещения $3l$ и трубы с развитой эффективной поверхностью диаметром $d \sim D/2$ с шагом размещения l с целью увеличения производительности, интенсификации тепло- и массообменных процессов за счет дополнительной турбулизации и увеличения времени межфазного контакта, обеспечивающие опережающий рост интенсивности теплообмена над гидравлическим сопротивлением и снижение расхода охлаждающей воды в 1,5-2,3 раза, а также предотвращение осаждения кристаллов на теплообменной поверхности.

C 07

(13) B

(21) IAP 2017 0040

(22) 30.06.2015

(51) C07D 217/14 (2006.01), A61K 31/4375 (2006.01), A61K 31/472 (2006.01), A61K 31/4741 (2006.01), C07D 471/04 (2006.01), C07D 491/14 (2006.01), A61P 11/06 (2006.01), A61P 17/06 (2006.01), A61P 19/02 (2006.01), A61P 43/00 (2006.01)

(31)(32)(33) 2014-136359, 01.07.2014, JP

(31)(32)(33) 2014-262775, 25.12.2014, JP

(71) TAKEEDA ФАРМАСЬЮТИКАЛ КОМПАНИ ЛИМИТЕД, JP

(72) ЯМАМОТО, Сатоси, СИРАИ, Дзуня, ОДА, Цунео, КОНО, Мицунори, ОТИДА, Ацуко, ИМАДА, Такаси, ТОКУХАРА, Хидеказу, ТОМАТА, Есихиде, ИСИИ, Наоки, ТАВАДА, Митико, JP; ФУКАСЕ, Йосиюки, US; ЮКАВА, Томоя, ФУКУМОТО, Сёдзи, JP

(85) 30.01.2017


(86) 30.06.2015, PCT/JP2015/069370

(87) 07.01.2016, WO 2016/002968

(54) Гетероциклик бирикмалар ва уларнинг ретиноидлар рецепторларига (ROR) ўхшаш бўлган орфан рецептори гамма-т ингибиторлари сифатида қўлланилиши

Гетероциклические соединения и их применение в качестве ингибиторов орфанного рецептора гамма-т, родственного рецепторам ретиноидов (ROR)

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, фармацевтика. **Вазифаси:** аъло даражада ингибирловчи RORyt таъсирга эга бўлган ва псориази, ичакнинг яллиғланиш касаллигини (IBD), ярали колитни (UC), Крон касаллигини (CD), ревматоидли артритни, склероз, увеит, астма, анкилоз чакинган спондилоартрит, тизимли қизил волчанка (SLE) (тери силининг бир тури) ва шунга ўхшаш касалликларни даволаш ёки олдини олишда қўллаш учун лаёқатли агент ҳисобланган бирикмани яратиш. **Ихтиро моҳияти:** ингибирловчи RORyt таъсирга эга бўлган гетероциклик бирикма. Ихтирога мувофиқ (I) формула остидаги бирикма тақлиф этилмоқда:




қайсики, унда ҳар бир белги ўзи билан тавсифнома келтирилганига мос равишда бирикмани ёки унинг тузини ифодалайди.

Бунда А халқаси ўзи билан ихтиёрий равишда қўшимча ўрин алмашган 6-аъзоли ароматик халқани ифодалайди; R^1 ўзи билан С (R^{1a}) (CH_3) (CH_3) формула билан ифодаланган 1-гурухни ёки 2-триметилсилиль гурухни ифодалайди; R^4 ўзи билан ихтиёрий ўрин алмашган C_{3-6} циклоалкиль гурухни ифодалайди; X ўзи билан CR^6 ёки N ни ифодалайди; R^5 ўзи билан ихтиёрий

ўрин алмашган C₁₋₆ алкиль гуруҳни ёки ихтиёрлий ўрин алмашган C₁₋₆ алкоксигуруҳни ифодалайди; R⁶ ўзи билан водород атомини ёки унинг ўрнини босувчини ифодалайди.

Использование: медицина, фармацевтика. **Задача:** создание соединения, обладающего превосходящим ингибирующим RORγt действием, и являющегося пригодным в качестве агента для профилактики или лечения псориаза, воспалительного заболевания кишечника (IBD), язвенного колита (UC), болезни Крона (CD), ревматоидного артрита, множественного склероза, увеита, астмы, спондилоартрита, вызываемого анкилозом, системной красной волчанки (SLE) и подобных. **Сущность изобретения:** гетероциклическое соединение, обладающее ингибирующим RORγt действием. Согласно изобретению предложено соединение, представленное формулой (I):



где каждый символ представляет собой соединение, как определено в описании, или его соли.

При этом, кольцо А представляет собой необязательно дополнительно замещенное 6-членное ароматическое кольцо; R¹ представляет собой (1) группу, представленную формулой: C (R^{1a}) (CH₃) (CH₃), или 2) триметилсилильную группу; R⁴ представляет собой необязательно замещенную C₃₋₆ циклоалкильную группу; X представляет собой CR⁶ или N; R⁵ представляет собой необязательно замещенную C₁₋₆ алкильную группу или необязательно замещенную C₁₋₆ алкоксигруппу; R⁶ представляет собой атом водорода или заместитель.

(13) В

(21) IAP 2017 0015 (22) 18.06.2015
(51) C07K 16/32 (2006.01), A61K 47/48 (2006.01), A61K 39/395 (2006.01), A61P 35/00 (2006.01)
(31)(32)(33) 62/013,944, 18.06.2014, US
(31)(32)(33) 62/034,489, 07.08.2014, US
(31)(32)(33) 62/147,960, 15.04.2015, US
(31)(32)(33) 62/149,444, 17.04.2015, US

(71) МЕРСАНА ТЕРАПЬЮТИКС, ИНК., US
(72) БОДЬЯК, Наталья, Д., ДЕВИТ, Майкл, Дж., КРАУЛЭНД, Эрик, М., ЛОУИНГЕР, Тимоти, Б., ПАРК, Питер, У., ПРИНЦ, Бьянка, ЮРКОВЕТСКИЙ, Александр, В., US
(85) 13.01.2017

(86) 18.06.2015, PCT/US2015/036431

(87) 23.12.2015, WO 2015/195917

(54) **HER2 эпитопига қарши моноклонал антитаналар ва уларни қўллаш усуллари**
Моноклональные антитела против эпитопа HER2 с способы их применения

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** кимё, тиббиёт. **Вазифаси:** HER2 нинг биологик фаоллигини таргетирловчи янги ва оптималлаштирилган терапевтик стратегияларни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** одамнинг HER2 рецепторини фарқлаб олувчи моноклонал антитаначаларни, одам HER2 рецепторининг хужайрадан ташқари домени чегарасидаги HER2 специфик эпитопларини фарқлаб олувчи моноклонал антитаначаларни олиш ва ушбу моноклонал антитаначалар терапевтик ва/ёки диагностик воситалар қўринишида қўллаш усуллари ишлаб чиқиш.

Использование: химия, медицина. **Задача:** создание новых и оптимизированных терапевтических стратегий, которые таргетируют биологические активности HER2. **Сущность изобретения:** получение моноклональных антител, которые распознают рецептор HER2 человека, моноклональных антител, которые распознают специфические эпитопы HER2 в пределах внеклеточного домена рецептора HER2 человека, и разработка способов применения этих моноклональных антител в виде терапевтических и/или диагностических средств.

С 22

(13) В

(21) IAP 2017 0014 (22) 13.01.2017

(51) C22B/

(71) Навоий давлат кончилиқ институти, UZ
Навоийский государственный горный институт, UZ

(72) Хасанов Абдирашид Салиевич, Мухидинов Баходир Фахриддинович, Кушимов Фахриддин, Кушимов Уктамжон Фахриддинович, Раджапов Солижон Аширович, Саидахмедов Актам Абдисамиевич, UZ

(54) **Новда магнит майдонидан фойдаланган холда гравитацион бойитиш усули**

Способ гравитационного обогащения в желобе с использованием магнитного поля

(57) Фойдаланиш соҳаси: каттик металлларни суюкликлар ёрдамида ажратиш, хусусан, бойитиш фабрикаларининг таркибида олтин сақловчи чиқиндиларини бойитиш. **Вазифаси:** бойитиш фабрикаларининг таркибида олтин сақловчи чиқиндиларининг бойитилиш даражасини ошириш, шунингдек, жараённинг узлуксизлигини ва оқим бошида пульпаннинг аралаштирилиши жадаллиги ошишини ҳамда магнит ва парамагнит зарраларни қатламларга ажратилиш жараёнида чўктиришни таъминлаш йўли билан ишлаб чиқариш кўламини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** новда магнит майдонидан фойдаланган ҳолда гравитацион бойитиш усули шуниси билан фаркланадики, юкорисида юк ортадиган ва пастида юкни туширадиган кисмлари бор, ғовлари бор, новданинг пастдаги тор кисмида, яъни новда тубида тирқиш мавжуд бўлган тораиб борадиган новда олинади ва у горизонтга нисбатан бўйлама қиялик остида шундай ўрнатилмадики, новданинг юқори кенг қисми унинг пастки тор қисмидан баландроқ туради, новданинг юқори қисмига суюклиги бор бошланғич материал ортिलाди, пульпаннинг қатламларга ажратилиш жараёни билан бир вақтда солиштирма оғирлик бўйича новдада бошланғич материалнинг (магнитли минералларнинг) магнит фракцияларига таъсир кўрсатилади, бу жараён новда туби остига магнитларни жойлаштириш орқали ҳосил қилинган магнит майдони ёрдамида амалга оширилади, пульпаннинг устки қатламларини – енгил фракцияни новданинг пастки қисми орқали, оғир фракцияни эса – новда тубидаги тирқиш орқали чиқарилади, новданинг юқори қисмида пульпаннинг уюрмаланган ҳаракати ва новданинг бутун узунлиги бўйлаб кучли магнит майдонининг таъсир кетма-кетлиги ҳосил қилинади.

Использование: область разделения твердых материалов с помощью жидкостей, в частности обогащение золотосодержащих отходов обогатительных фабрик. **Задача:** повышение степени обогащения золотосодержащих отходов обогатительных фабрик, а также повышение производительности путем обеспечения непрерывности процесса и интенсивного перемешивания пульпы в начале потока и осаждения магнитных и парамагнитных частиц в процессе расслоения. **Сущность изобретения:** способ гравитационного обогащения с использованием желоба, заключающийся в том, что берут суживающийся желоб с верхней загрузочной и нижней разгрузочной частями, с препятствиями, в узкой нижней части желоба имеется щель на дне желоба, желоб размещают с продольным наклоном к горизонту так, чтобы верхняя широкая часть желоба была выше нижней узкой его части, загружают в верхнюю часть желоба исходный материал с жидкостью, одновременно с процессом расслоения частиц пульпы по удельному весу осуществляют воздействия магнитной фракции исходного материала (магнитных минералов) в желобе с помощью магнитного поля путем расположения магнитов под дном желоба, выводят верхние слои пульпы -легкую фракцию через нижней части желоба, а тяжелую фракцию - через щели в дне желоба, создаются вихревое движения пульпы в верхней части желоба и периодичность действия мощного магнитного поля по всей длине желоба.

вающийся желоб с верхней загрузочной и нижней разгрузочной частями, с препятствиями, в узкой нижней части желоба имеется щель на дне желоба, желоб размещают с продольным наклоном к горизонту так, чтобы верхняя широкая часть желоба была выше нижней узкой его части, загружают в верхнюю часть желоба исходный материал с жидкостью, одновременно с процессом расслоения частиц пульпы по удельному весу осуществляют воздействия магнитной фракции исходного материала (магнитных минералов) в желобе с помощью магнитного поля путем расположения магнитов под дном желоба, выводят верхние слои пульпы -легкую фракцию через нижней части желоба, а тяжелую фракцию - через щели в дне желоба, создаются вихревое движения пульпы в верхней части желоба и периодичность действия мощного магнитного поля по всей длине желоба.

D бўлим ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ҚОҒОЗ

Раздел D ТЕКСТИЛЬ И БУМАГА

D 01

(13) B

(21) IAP 2017 0019

(22) 16.01.2017

(51) D01G 9/14

(71) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, UZ

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности, UZ

(72) Джураев Анвар Джураевич, Мавлянов Айбек Палванбаевич, Далиев Шухрат Латибжанович, Раджабов Озод Исраилович, Бобоматов Абдугани, UZ

(54) Толали материал тозалагичининг тўрли юзаси

Сетчатая поверхность очистителя волоконистого материала

(57) Фойдаланиш соҳаси: тўқимачилик саноати, толали материал тозалагичларда қўлланиши мумкин ва пахта тозалагичларнинг тўрли юзасига ҳам дахлдор. **Вазифаси:** тўрли юза конструкциясини пахта тўзгоғининг уни титиш зонасида тўрли юзани ташкил этувчи текисликлар (чеккалари) бўйлаб синик чизиқ бўйича ҳаракатланиш траекториясини таъминлаш йўли билан такомиллаштириш. **Ихтиро моҳияти:** тўрли юза кўпёкли призманинг бир қисми кў-

ринишида бажарилган бўлиб, бунда унинг ёнлари ва кирралари қозикли барабаннинг айла ниш ўқиға параллел равишда (пахта тўзғоклари ҳаракатланиш йўналишига пердикуляр тарзда) жойлашган. Тўрли юзанинг тўртта бурчаги (чеккалари) бўйлаб пўлат втулкалар пайвандланган, втулкаларнинг тешиклариға тозалагич корпусиға бикр бириктирилган бармоқлар кириб туради, бармоқларнинг ва втулкаларнинг орасиға эса эластик (резинали) втулкалар ўрнатилган, бунинг натижасиға толали материал тўр юзаси билан ўзаро таъсирланганда эластик втулкаларнинг деформацияланиши ҳисобиға тебраниш (вибрация) юз беради. Толали материални титиш зонасининг бошланишиға ўрнатилган иккита эластик втулканинг толали материални титиш зонаси охириға ўрнатилган иккита втулкаға нисбатан катта диаметрли қилиб бажарилганлиги тортилаётган толаларнинг тозалагичнинг колқали барабани билан ўзаро таъсирланиши аввалида тўрнинг амплитудали тебранишлари энг кўп бўлишини таъминлайди. Тўрли юзанинг кўпёкли призма кўринишиға бажарилгани пахта тўзғокларининг тўрли юзанинг текисликлари (призма ёнлари) билан ўзаро таъсирланганда йўналишни циклик ўзгартириш имконини беради, бунинг натижасиға хас-чўплар аралашмасининг ажралиб чиқиши яхшиланади.

Использование: текстильная промышленность и может применяться в очистителях волокнистого материала и касается к сетчатым поверхностям очистителей хлопка. **Задача:** усовершенствование конструкции сетчатой поверхности путем обеспечения траектории движения летучек хлопка в зоне его протаскивания по ломанной линии по плоскостям (граням) составляющие сетчатую поверхность. **Сущность изобретения:** сетчатая поверхность выполнена в виде части многогранной призмы, причем грани и ребра расположены параллельно оси вращения колкового барабана (перпендикулярно направлению движения летучек хлопка). Сетчатая поверхность по четырем углам (краям) имеют приваренные к нему стальные втулки, в отверстия которых входят пальцы жестко соединенные с корпусом очистителя, а между пальцами и втулками установлены упругие (резиновые) втулки, вследствие чего при взаимодействии волокнистого материала с поверхностью сетки происходят колебания (вибрации) сетки за счет деформации упругих втулок. Выполнение двух упругих втулок, установленных

в начале зоны протаскивания волокнистого материала, с большим диаметром относительно двух втулок, установленных в конце зоны протаскивания волокнистого материала, обеспечивает наибольшие амплитудные колебания сетки в начале взаимодействия протаскиваемых волокон колковым барабаном очистителя. Выполнение сетчатой поверхности в виде многогранной призмы позволяет циклически менять направления взаимодействия летучек хлопка с плоскостями (гранями призмы) сетчатой поверхности, что приводит к эффективному выделению сорных примесей.

(13) В

(21) IAP 2017 0016

(22) 16.01.2017

(51) D01G 9/14, D01G 9/06, D01G 9/04

(71) Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик мажмуа давлат унитар корхонаси, UZ

Ташкентский государственный технический университет государственное унитарное предприятие научно-технологический комплекс «Фан ва тараққиёт», UZ

(72) Абед Нодира Сойибжонова, Гулямов Гияс, Негматов Сайибжан Садыкович, Негматов Жaxonгир Носир ўғли, Тухташева Малохат Нафасовна, Негматова Камила Сайибжонова, Икромов Нурилло Авазбекович, Бозорбоев Шухрат Абдурахимович, Эминов Шерзод Олимжонович, Жавлиев Сирожиддин Суюнович, UZ

(54) Туннель қазувчи машина ишчи органининг қозикчаси

Колок рабочего органа туннелеройной машины

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** пахта тозалаш сааноати, бунтларда туннель қазуш ва уларнинг четларини тараб текислаш учун мўлжалланган, шунингдек, чигитли-пахта билан фрикцион ўзаро таъсирланиш шароитида ишлайдиган туннель қазувчи машиналарнинг ишчи органларининг ишқаланувчи жуфт деталлари сифатида қўлланилади. **Вазифаси:** туннель қазувчи машина ишчи органи қозикчаларининг ейлишиға ва узоқ вақт фойдаланишиға чидамлилигини ошириш, шунингдек, унинг ёниб кетиш хавфини бутунлай бартараф қилиш. **Ихтиро моҳияти:** туннель қазуш машинаси ишчи органи қозикчаларининг ишлаб чиқилган конструкцияси ишчи органининг ҳаракатланиш йўналиши радиуси бўйлаб қайрилган илгак кўринишиға бажарилган. Қозикчаларнинг бош қис-

